

УДК 553.98: 551.24

**ЖАНУБИЙ ҚУНҒУРТАУ МАЙДОНИДАГИ УЗИЛМАЛИ
СТРУКТУРАЛАРНИ СЕЙСМОРАЗВЕДКАНИНГ-2Д УСУЛИ
ЁРДАМИДА ЎРГАНИШ**

Панжиев Хикмат Ахадиллаевич

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти “Геология ва кончилик иши”
факультети катта ўқитувчиси.

panjiev.hikmat@mail.ru

Усмонов Кувончбек Маннонович

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти “Геология ва кончилик иши”
факультети катта ўқитувчиси.

Quvonch_uz2@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ўрганилаётган майдоннинг геологик тузилиши, нефт ва газ маҳсулотларининг йиғилиши эҳтимоли бўлган зоналарининг тарқалиши қонуниятлари, уларнинг турли тектоник узилмалар ва кўтарилмалар билан боғлиқлиги очиқ берилган.


***Калит сўзлар:** флексура, узилма, профил, горизонт, синфаза, номувофиқлик, сброс, взброс, блок, горст, грабен, амплитуда.*

АННОТАЦИЯ

В этой статье раскрывается геологическое строение исследуемой территории, схемы распределения зон, в которых могут накапливаться нефтегазовые продукты, а также их связь с различными тектоническими нарушениями и поднятием.

***Ключевые слова:** флексура, разрыв, профил, горизонт, синфаза, несоответствующий, сброс, взброс, блок, горст, грабен, амплитуда.*


Жанубий Қунғуртау майдонидадаги Учбош–Қарши флексурали узулмани 2Д сейсморазведка ишлари Умумий Чуқурлик Нуқтаси Услуби (УЧНУ) маълумотлари асосида ўрганилган (1 ва 2-расмлар).



1-расм. 02101708-Профили бўйича тузилган вақтли кесим.

Ушбу қайта ишланган дала маълумотларини талқин қилишимиз учун вақтли кесимлар корреляция қилиниб амалга оширилади. Истиқболли нефт ва газ уюмларини излашда самарадорли сейсморазведка ишлари тизимини жорий қилиш ва унинг натижасида ноанъанавий нефт ва газ уюмларини аниқлашга ҳам катта аҳамият бериш лозим.

1-расм. 02101708 профиллари бўйича тузилган вақтли кесими. Бу профил Жанубий Қўнғуртау майдонини кундалангига кесиб ўтган ва бу вақтли кесимда T2, T3 ва T5 қайтарувчи горизонтлари ажратилган. Узилмали структуралар яқинида корреляция узилиб қолади ва ушбу майдонларга яқин келганда шубҳаланиш уйғотади



2-расм. 23081708-Профили бўйича тузилган вақтли кесим.


2-расм. 23081708 профиллари бўйича тузилган вақтли кесими. Бу профил Жанубий Қўнғуртау майдонини кундалангига кесиб ўтган ва бу вақтли кесимда

T2, T3 ва T5 қайтарувчи горизонтлари ажратилган. Қайд қилинган ёзувларда узилмали бузилишлар ва бошқа бузилишларда фазаларнинг узвийлигида ўзига хос характерли узилишлар юз бермоқда. Яъни синфаза ўқининг бузилиши кузатилмоқда. Ундан ташқари фаза бирлиги узилмасдан туриб амплитудаларнинг сезиларли хираланиши ҳамда акс этган тўлқинларнинг вақт бўйича сезиларли силжиши кузатилмоқда.

Сейсморазведка материалларини литологик боғлашда №1 - Жанубий Қунғуртау параметрик кудуғидан фойдаланилмоқда. Кудуқ кесими куйидагиларни очиб бермоқда: Турон (0-30м); Сеноман (30-270м); Альб (270-520м); Сенон (520-853м); Турон (853-1238м); Сеноман (1238-1480м); Альб (1480-1724м); Неоком-апт (1724-2400м); Титон (2400-2466м); Юқори ангидритлар (2400-2411м); Туз пачкаси (2411-2453м); Оксфорд-кимеридж (2466-2625м); XV горизонт (2466-2520м); XVa горизонт (2520-2625м); Келловей (2625-2720м); XVI горизонт (2625-2720м); Терриген юра (2720-2750м).


Кудуқнинг литологик кесимида 520 метрида стратиграфик контактларида номувофиқликни кузатишимиз мумкин. Яъни юқори бўр ётқизигини устида куйи бўр ётқизигининг шаклланиши кузатилмоқда.

Ўрганилган профиллар бўйича структуравий харита тузиш чуқур бурғилаш маълумотлари ва сейсмогеологик кесимлар бўйича T₅ (J₃ t) горизонти, яъни титоннинг куйи ангидритлари бўйича тузилди (3-расм).



3-расм. Жанубий Қунғуртау майдони куйи ангидритлар устки юзасига боғлиқ бўлган T₅ қайтариш горизонти бўйича тузилмали харитаси *Масштаб 1:50000*

Ўрганаётган зонамизни сейсмогеологик профилларда кузатиб геологик маълумотларга эга бўламиз (4-расм).



4-расм. 02101708, 23081708 Профиллари бўйича тузилган сейсмогеологик кесим *Масштаб Вертикал 1:10000 Горизонтал 1:20000*

02101708 профили Учбош-Қарши флексура узилмали зонасининг йўналиши бўйлаб йўналган. Бу профил бўйича 32, 74, 82, 105-пикетларда узилмалар кузатилмоқда. Бу бўлинишларни блокларга ажратиб чиқсак, зонанинг геологик тузилиши ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўламиз. А (32÷74ПК) блокка нисбатан Б (74÷82ПК) блок взброс, В (82÷105ПК) блокка нисбатан сброс Б (74÷82ПК) блок, В (82÷105ПК) блокка нисбатан Г (105÷130ПК) блок сброс бўлмоқда. Ўрганилаётган В (82÷105ПК) блогимиз (структурамиз) сброслар билан чегараланган горст кўринишидаги структурани ташкил қилмоқда (4-расм)

Ўрганилаётган ҳудуддаги Учбош-Қарши флексура узилмали зонасининг кенглигини аниқлаш учун ундан перпендикуляр ўтказилган профилни танлаб кузатиш ишлари олиб борилади (4-расм).

23081708 профили бўйича эса, 78, 104, 144, 163-пикетларида узилмалар кузатилмоқда. А (0÷78 ПК) блок Б (78÷104ПК) блокка нисбатан взброс, Б (78÷104ПК) блок В (104÷144ПК) блокка нисбатан взброс, В (104÷144ПК) блок Г (144÷163ПК) блокка сброс, Г (144÷163ПК) блок В (104÷144ПК) блокка нисбатан взброс, Г (144÷163ПК) блок Д (163÷170ПК) блокка нисбатан сброс бўлмоқда. Ўрганилаётган В (104÷144ПК) блогимиз (структурамиз) сброслар билан чегараланган грабен кўринишидаги структурани ташкил этмоқда (4-расм). Ушбу 4-расмларнинг эътиборли жиҳати, узилмаларнинг ҳар бирида блоклар шакллари бўйича хилма-хил бўлган қатлари ўзаро маълум табиий чегаралар, яъни тектоник

контактларни кузатилмоқда. Бу сброслар ва взбросларни ҳаракат юзасини кузатадиган бўлсак, ҳаракат юзаси бўйлаб турлича ёшдаги ва таркибдаги жинсларнинг ўзаро туташуви ҳосил бўлмоқда. Бунинг сабаби ҳаракат юзаси вертикал ва горизонтал йўналган тектоник кучлар таъсирида вужудга келганлигини билишимиз мумкин.

Бу таҳлиллар натижасида Учбош-Қарши флексура узилмали зонасининг кенлиги 23081708 профили бўйича, 8,5 км ни ташкил этмоқда. Демак, ўрганилаётган майдонимиз Учбош-Қарши флексура узилмали зонанинг атрофида эмас, балки шу зонанинг таркибида экан.

Профиллардаги ҳар қайси пикетларда кузатилаётган сброслар ва взбросларни элементларини аниқлашимиз ва T_3 қайтарувчи горизонти, яъни юқори ангидрит қатлами бўйича узилмаларни кўриб чиқишимиз мумкин бўлмоқда.

02101708 профилнинг 74-пикетида взброс кузатилган ва уни элементларининг ўлчамлари қуйидагича: ҳаракат юзаси бўйича амплитудаси 120м, стратиграфик амплитудаси 105м, вертикал амплитудаси 115м, горизонтал амплитудаси 80 метрни; 82-пикетда сброс кузатилган ва ҳаракат юзасининг амплитудаси 140м, стратиграфик амплитудаси 130м, вертикал амплитудаси 130м, горизонтал амплитудаси 60 метрни; 105-пикетда эса сброс ва унинг элементларини ўлчамлари: ҳаракат юза бўйича амплитудаси 105м, стратиграфик амплитудаси 100м, вертикал амплитудаси 103м, горизонтал амплитудаси 40 метрни ташкил қилмоқда.

23081708 профилнинг 78-пикетида взброс кузатилган ва уни элементларининг ўлчамлари қуйидагича: ҳаракат юзаси бўйича амплитудаси 35м, стратиграфик амплитудаси 30м, вертикал амплитудаси 40м, горизонтал амплитудаси 15 метрни; 104-пикетда взброс кузатилган ва ҳаракат юзасининг амплитудаси 120м, стратиграфик амплитудаси 120м, вертикал амплитудаси 125м, горизонтал амплитудаси 50 метрни; 144-пикетда эса взброс ва унинг элементларини ўлчамлари: ҳаракат юза бўйича амплитудаси 20м, стратиграфик амплитудаси 15м, вертикал амплитудаси 17м, горизонтал амплитудаси 5-10 метрни; 163-пикетда эса сброс ва унинг элементларини ўлчамлари: ҳаракат юза бўйича амплитудаси 20м, стратиграфик амплитудаси 15м, вертикал амплитудаси 17м, горизонтал амплитудаси 5-10 метрни; ташкил қилмоқда.

Барча узилмаларнинг ҳаракат юзасини қийшайиш бурчаги деярли 80^0 дан юқори бўлганлиги учун вертикал узилмалар турига киритишимиз мумкин.

Юқоридаги маълумотлар асосида сейсморазведка УЧН-2Д усули катта чуқурликда ётган ва нефт ва газга истикболли бўлган қатламларни ўрганишдаги самарали усуллардан биридир.

Олиб борилган изланишлар натижасида Учбош-Қарши флексура узилмали зонасидаги нефт ва газга истикболли бўлган майдонлар баҳоланмоқда.

АДАБИЁТЛАР

1. А.А.Абидов, Й.Эргашев, М.Кодиров: «Нефть ва газ геологияси русча-ўзбекча изоҳли луғати». «Шарқ»Тошкент, 2000 йил.
2. А.А.Абидов «Дунё нефтгазли ҳудудлари ва акваториялари», «Шарқ» Тошкент, 2009 йил.
3. Б.Г.Бабаев «Соляно-ангидритовые фации юго-восточной части БХНГО и её формирование залежей нефти и газа». Москва «Недра» 1977 йил.
4. М.Х.Орифжанов «Ўзбекистондаги келловей–оксфорд комплексдаги рифлар», «Фан», Тошкент, 1985 йил
5. Й.Эргашев, Ғ.С.Абдуллаев, М.Х.Қодиров, И.Х.Холисматов. «Нефть ва газ конлари геологияси», «Нур» Тошкент 1995 йил
6. Ш.У.Буриев. Отчет «Поисковых сейсморазведочных работ ОГТ в пределах бортовой зоны Бешкентского прогиба, Кашкадарьинской впадины и взаимного сочленения с юго-западными отрогами Гиссарского хребта». Чиракчинская с/п №9/91-94, фонды ЯГЭ, 2004 йил.
7. Ш.У.Буриев. «Программа на проведение геофизических работ в пределах Кашкадарьинской впадины», Карши, 2011 йил
8. Т.Т.Холмуродов. Отчет «Поисково-детальные сейсморазведочные работы ОГТ в пределах северо-восточной части Бешкентского прогиба и примыкающей к ней Учбаш – Каршинской флексурно – разрывной зоне», Сарбазарская с/п №8/07-10, фонды ЯГЭ, 2010 йил.